

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!



# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2007 йил 8 январь ● сешанба ● № 1 (560) ● e-mail: inson\_va\_qonun@mail.ru

● 2008 йил — «Ёшлар йили»

## ЭРТАСИНИ ЎЙЛАГАН МИЛЛАТ

Эртанги кунни ёруғ, нурли бўлишини ким истамайди дейсиз? Шу маънода бирон-бир халқ, бирон-бир давлат йўқки, ўз келажаги ҳақида қайғурмаган, эртанги кун умиди билан яшамётган бўлсин. Бу туйғу, айниқса, биз ўзбекларда устувор. Ушбу заминда ҳар бир инсон учун фарзандларининг орзу-ҳавасини кўришдан ортиқ бахт йўқ. Халқимизнинг сеvimли шoirи ҳам «Яшаса, болам деб яшайди ўзбек», деган сатрлари бежиз битмаган.



Ана шундай ўзбекона кадрлардан келиб чиқиб, юртимизда ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг билим олиши, касб-хунар ўрганиши, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида устувор сиёсат амалга оширилмоқда. Зеро, биз мустақилликнинг илк фурсатлариданоқ келажаги буюк давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик ва унинг рўёби йўлдан дадил одимлаб бораёмиз. Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» амалиётга тўла-тўқисин татбиқ этилаётгани, қатор давлат ва жамоат ташкилотлари айнан ёшлар камолоти билан боғ-

лиқ кенг миқёсда тадбирларни амалга ошираётгани, бизнинг истиқболимизга хизмат қилувчи қонунчилик механизми тобора такомиллашиб, мукамаллашиб бораётгани фикримизга далил. Шунинг натижасида биз энг замонавий ўқув масканларида, энг қулай шарт-шароитларда тахсил олаёмиз. Мамлакатимизда қуриб, фойдаланишга топширилаётган ёки қайта реконструкция қилиниб, тараққиёт асрига мос қиёфага келтирилётган илм даргоҳлари — мактаблар, лицей ва коллежларни санаб, саногига етиб бўлмайди, десак муболага эмас. Ва буларнинг ҳар бири алоҳи-

да бир мавзу. Мен бу ўринда ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги муҳим қадамлардан бири сифатида мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни мод-

дий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида алоҳида ўтишни истардим.

Мазкур Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125, 179, 245, 248, 287, 291-моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди ҳамда ушбу Кодекс 128<sup>2</sup>-модда билан тўлдирилди.

Ушбу Қонуннинг 125-моддаси биринчи бандига асосан давлат рақам белгиси ясама ёки ўзга усулда ўзгартирилган транспорт воситаларини, худди шунингдек, давлат рақам белгиси айни шу транспорт воситасига тегишли бўлмаган транспорт воситасини бошқарганлик учун энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш жазосини назарда тутувчи маъмурий жавобгарлик белгиланди.

### Қонуннинг моҳияти МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йил 30 ноябрь ва 1 декабрь кунлари бўлиб ўтган ўн иккинчи ялпи мажлисида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонунлар маъқулланди. 2007 йилнинг 13 декабрида ана шу қонунлардан бири — «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун матбуотда расман эълон қилинди.

Ушбу Қонуннинг 125-моддаси биринчи бандига асосан давлат рақам белгиси ясама ёки ўзга усулда ўзгартирилган транспорт воситаларини, худди шунингдек, давлат рақам белгиси айни шу транспорт воситасига тегишли бўлмаган транспорт воситасини бошқарганлик учун энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш жазосини назарда тутувчи маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2007 йил 16 октябрдаги «Йўл ҳарақати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига қўра, 2008 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситасини бошқариш пайтида ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситаси салонининг олд қисмига асосан транспорт воситаси салонининг олд қисмига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатилганлик учун энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солиш тартиқасидаги жазо белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов тақдиримизга буюнган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан шу йил 30 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорда халқимизга хос инсонпарварлик, кечиримлик ва бағрикенглик тамойиллари ўз ифодасини топган. Зеро, биллиб-билмай жиноят қўл урганни кечириб азалий қадриятларимиздандир.

### Амнистия — инсонпарварлик намунаси ОИЛАСИ БАҒРИГА ҚАЙТДИ

си билан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарор айбига икор бўлиб, қилмишидан афсус-надомат чекаётган маҳбусларнинг ўз оиласи бағрига қайтиши учун кенг йўл очди, — деди Тошкент махсус прокурори Мурод Солихов ўЗА мухбирига. — Бундай бағрикенглик ва кечиримлик жиноят қўчасига кириб қолганларни қайта тарбиялаш, соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Қарорда жазодан озод этилиши кўзда тутилганлар

орасида аёлларга алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, аёл хонадон чирғоғи. Билиб-билмай жиноят қўчасига кириб қолган ва оқибатда озодликдан маҳрум қилинган аёлларнинг кўпчилиги жазони ўташ жараёнида хатоларини чуқур англаб етати. Боиси, улар учун оила ва фарзанддан айри яшайдан қўра оғирроқ жазо ва қайғу йўқ. Бундай маҳбусларнинг жиноят қўчасига қайта кириши камдан-кам учрайди. — Беш йилга озодликдан маҳрум этилган эдим, — дей-

ди чирчилик Хайринисо Акромова. — Юртбошимизнинг мен каби адашганларга ғамхўрлик кўрсатиб, айбимизни авф этганлари учун етти ой деганда озодликка чиқялман. Бундай бағрикенглик учун ўзимни юртимдан бир умр қарздорман, деб ҳисоблайман. Энди унга ҳалол меҳнатим билан фойда келтириш ниятидаман. — Дунёда озодликдан тотлироқ неъмат йўқ экан, — дейди тошкентлик Барно Ниёзова. — Оилам бағрида, фарзандларим билан хотиржам

яшашга нима етсин. Уч фарзандим онаси қолгани қамқоқхонада ўтган тўрт ойлик муддат давомида мени қаттиқ изтиробга солди. Президентимизнинг ғамхўрлиги туфайли қисқа муддатда оилам бағрига қайтдим. Бундан қанчалик миннатдор эканлигимни сўз билан ифода қилишим қийин. Энди ҳалол меҳнат қилиб, тинч-хотиржам яшаш орзусидаман. Шу кун мазкур хотин-қизлар колониясидан беш нафар аёл амнистия ҳақидаги қарорга буюнган озодликка чиқарилди. Бундай бағрикенглик биллиб-билмай жиноят содир этганларни юртимиз равнақи ва фарзандлари келажаги йўлида тўғри яшаб, ҳалол меҳнат қилишга рағбатлантиради.

Норгул АБДУРАИМОВА, ўЗА мухбири

## МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ВА ҚОНУН» НИГОҲИДА

### ЎЗ ЖОЙИДА ЎРГАНИЛДИ

Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, У.Юсупов қишлоқ фуқаролар йиғини фаолларининг 2007 йил 7 декабрда «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси таҳририятига йўллаган мурожаати «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Сирдарё Телеком» филиали масъул раҳбарлари томонидан жойига чиқиб, атрофлича ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида У.Юсупов қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда сифими 150 рақамга тенг телефон станцияси ишлаб тургани, ҳақиқатан ҳам ушбу телефон станцияси ҳозирги кун талабини қондирмаслиги маълум бўлди, ушбу қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллалардаги мавжуд телефонларнинг меъёрида ишлашини таъминлаш мақсадида компания томонидан

«Сирдарё Телеком» филиалига телефон станцияни таъмирлаш, станциялараро каналлар сонини ошириш юзасида тегишли кўрсатмалар берилди ва бажарилиши назоратга олинди. «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини 2010 йилгача реконструкция қилиш Миллий дастури»га асосан биринчи навбатда республика ҳудудларининг барча туманларида



ги аналог телефон станцияларини рақамли телефон станцияларга алмаштирилиши ва уларга оптик толали кабеллар орқали рақамли оқимлар ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, кейинги босқичда ана, қишлоқ жойларидagi аналог телефон станцияларини, шу жумладан, У.Юсупов қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудига ўрнатилган телефон станциясини ҳам 2009 йилгача рақамли станцияга алмаштириш режалаштирилган.

Б.НУРМАТОВ, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари

### ИЖРОСИ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

«Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасининг 2007 йил 29 сентябрь сонида чоп этилган «Антиқа қарорлар Кува туманида фуқароларнинг сарсон бўлишига сабаб бўлмоқда» номли мақола вилоят ҳокимлигининг тегишли мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида мақолада қайд этилган ҳолатлар қисман тасдиқланди. Натижада фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда йўл қўйган камчиликлари учун Кува туман ҳокими оғохлантирилиб, бу каби ҳолатларга қайта йўл қўймаслик чораларини кўриш ҳамда фуқаро У.Сотволдиеванинг аризасини қайта кўриб чиқиш

топширилди ва ижроси назоратга олинди. Мақола юзасидан фуқаро У.Сотволдиевага ёзма жавоб юборилиб, ер майдони ажратиб бериш ҳақидаги мурожаати юзасидан Кува туман ҳокимлиги томонидан маълум қилиниши тушунтирилди. **Ғ.Юлдашев,** Фарғона вилояти ҳокимлиги гуруҳ раҳбари

### ГУЛИСТОН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ГАЗЕТАНИНГ 2007 ЙИЛ 9 ОКТАБР СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН «ОЁҚ ЧИҚАРГАН ДЎҚОНЛАР» САРЛАВХАЛИ МАҚОЛА ЮЗАСИДАН ҚУЙДИГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

### БОШҚА МАНЗИЛДАН ЖОЙ БЕРИЛДИ

Гулистон шаҳар «Навоий шохқўчаси» ҳамда «Халқлар дўстлиги кўчаси» чорраҳасида жойлашган матбуот дўқони кўчирилганлиги сабаб, ушбу матбуот дўқони турган жой ҳозирги кунда «UNESKO» халқаро ташкилотига музей тартиқасида берилганлиги учун уни «Навоий шохқўчаси» ва «Ал Хоразмий кўчаси» чорраҳасидаги дўқонлар қаторига жойлаштиришга рухсат берилди.

Б.ТОШМЕТОВ, Гулистон шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари вази фасини бажарувчи

● Қонуннинг моҳияти

# МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Башарти, юқорида таъкидлаб ўтилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, у ҳолда бундай қилмишлар учун энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жазима ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этиш жазоси қўлланиши белгиланди.

Турли йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишига транспорт воситасини бошқариш пайтида ҳайдовчининг диққатни чағлантидиган ҳаракатлар қилиниши, жумладан, монитор орқали теле, видеодас-турларни томоша қилиши ҳам асосий сабаблардан бўлмоқда. Шу маънода, кодексга киритилган ушбу ўзгаришлар турли йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ҳайдовчи ҳамда йўловчиларнинг ҳаёти ва саломатлиги муҳофазасига хизмат қилади.

Мазкур Қонуннинг учинчи бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 179-моддаси янги таҳрирда баён этилиб, унга кўра,

аудиторнинг аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида ўзи аниқлаган бухгалтерия ҳисобини юритишга, шунингдек молиявий ҳисобот тузишга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бузилганлиги ҳолларини яшириши, худди шунингдек аудиторнинг била туриб сохта аудиторлик ҳисоботини ёки аудиторлик ҳуло-сасини тузиши энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жазима солиш жазосини назарда тутувчи маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Кези келганда, шунинг таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Қароридан аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар суств баъзи ҳолларда сифатсиз татибқ этилаётганлиги, аудит ти-зимидоги ишлар ҳолати замо-навий талабларга жавоб бер-маётганлиги, аудит ҳали биз-нес самарадорлигини реал ба-ҳоланиши амалий воситаси бўлмаганлиги, аудиторлик тек-


ширувлари кўп ҳолларда юза-ки ва саёв ўтказилаётганлиги ҳамда аудит тизимининг ўзи молия бозорига ҳали етарли-ча ишонч қозонмаганлиги ало-ҳида қайд этилган эди. Шу боис, мустақил аудит тизими-ни янада ривожлантириш, аудиторлик хизматлари сифа-тини ошириш, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини са-марали бошқариш усулларини қўллаш, аудиторлик текширу-вларининг натижалари ва хо-лислиги учун уларнинг жавоб-гарлигини кучайтириш, шу ор-қали тадбиркорлик тузилмала-ри томонидан уларга нисбатан ишончни ошириш мақсадида қатор чора-тадбирлар белги-ланиб, амалга оширилди, би-нобарин, «Аудиторлик таш-килотлари тўғрисида»ги Ни-зом ҳам тасдиқланди. Ўзбеки-стон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ко-декс 179-моддасининг янги таҳрирда баён этилганлиги эса юқорида айтилган мақсадлар-га эришиш йўлидаги амалий қадамлардан бўлиб ҳисоблана-ди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қонуннинг амалда са-марали татибқ этилиши мам-лакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳаёти ҳамда саломатлигини муҳофаза қилиш, аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифатли бўлиши учун жавоб-гарликни кучайтириш ҳамда шу орқали тадбиркорлик ту-зилмалари томонидан уларга нисбатан ишончни оширишга хизмат қилади.

**Раҳимжон ҲАКИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Амалдаги қонун ҳужжат-  
лари мониторинги институ-  
ти етакчи илмий ходими

● 2008 йил – «Ёшлар йили»

# ЭРТАСИНИ ЎЙЛАГАН МИЛЛАТ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур Фармон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга ки-риб келишга уларга зарур ёр-дам кўрсатиш, барқарор даро-мад манбаларини шакллантириш механизми ва амалий ра-батлантириш омилларини яра-тиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхши-лашни кўзда тутди.

Фармонда ёш оилалар кредит маблағларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш, уй-жой қуриш, таъмир-лаш ва сотиб олиш (ижарага олиш), уй-хўжалигини йўлга қўйиш ҳамда меъбел ва узоқ му-дат фойдаланиладиган бошқа ҳаётий зарур жиҳозлар сотиб олишлари мумкинлиги кўрсати-лган.

Мазкур ҳужжатда дахлдор таш-килот ва муассасаларга ҳар йили кредит маблағлари ажратиш бо-расида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиш тавсия этил-гани алоҳида эътиборга молик. Бундан кўринадигани, бу саъй-ҳаракат мунтазамлик касб этади.

Халқимизда оила ноёб аъна-наларни ўзида мужассам этган. Биз унда жамулам бўлиб яшаш, қувончу шодликларни баҳам кўриш баробарида ташвишлар-ни елкадошлик билан енгишга одатланганмиз.

Дунёда шундай давлатлар бор-ки, уларда фарзанд тарбияси билан асосан энага шугуллана-ди. Ёки фарзандлар улғайгач, ота-она ҳақида қайғуришни ун-чалик аҳамиятли санамаган ҳолда ҳаёт оқимида ўз ташвиш-лари билан андармон бўлади. Бизда эса ота-она ўғил-қизлари-ни дунёга келган лаҳзадан бош-лаб оқ ювиб, оқ тарта, меҳр бе-риб тарбиялайди. Ўз навбатида камолга етган зурриётлар токи ҳаёт экан, ота-онига эъзоз кўр-са-тишни энг асосий бурч, деб би-лади.

Бу мезонлар Конституциямиз-да ҳам «Ота-оналар ўз фар-зандларини вояга еттуларига қадар боқиш ва тарбия-лашга мажбурдирлар» (64-мод-да) ҳамда «Вояга етган, меҳ-натта лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар» (66-модда) тарзида ифода толган.

2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилингани, бу бора-даги амалий фаолият янада кенг қамров касб этишига ша-к-шубха йўқ.

Мулоҳазаларимизни мухтасар этар эканмиз, беихтиёр кўнглим-дан шундай ўй кечади: бу им-кониятларга жавобан биз ёшлар-дан нима талаб қилинади? Ва-тан олдидаги бурчни ҳис этган ҳолда етуқ билим ва касб-ҳунар эгалари бўлиб улғайиш ҳамда камолга етказган она рўй ра-ванкага хизмат қилиш. Мен бар-ча тенгдошларим ҳар лаҳза шун-дай масъуллик ҳисси билан одим ташлашларини истардим.

**Абдулқуши НУРМАТОВ,**  
НамДУ ҳуқуқшунослик фа-  
культети талабаси

## Тизим Тадбирлари

### «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФҲДЭ ХОДИМИ»

Ўзбекистон Респу-бликаси ФҲДЭ орган-лари ходимларининг ўз касбларини улуг-лаш, мутахассислик масъулиятини янада ошириш, касбий соҳа бўйича малака ва ҳуқуқий билимларини юксалтириш, шунинг-дек, миллий урф-одатларимизни ҳаёт-га татибқ этиш ҳамда ходимларнинг маъна-вий, маърифий дунё-қарашини бойитиш, уларни қобилиятлари-га қараб рабатланти-риш мақсадида Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан «Йилнинг энг яхши ФҲДЭ ходи-ми» кўрик-танлови ўтказилди.



Юқоричирик тумани ФҲДЭ бўлимининг 1-даражали иш юритув-чиси Арофат Рўзиева кўрик-танлов ғолиби деб топилди. 2 ва 3-ўринларга Тошкент туманидан Маҳфуза Мирбабаева ва Янгийўл туманидан Ёқутхон Ёқубжоновалар муносиб кўрилди. Ғолиблар ва иштирокчилар вилоят адлия бошқармасининг қимматбаҳо совғалари ва мактوف ёрликлари билан тақдирланди.

**Гулсара ИСАХОНОВА,**  
Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

### БОЛАЖОНЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИЛДИ

Янги йил шодиё-наларига болажон-ларга совғалар улашиш одатий ҳол.



Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур тумани-даги 98-мактаб-интер-натда бўлиб ўтган Янги йил байрами тадбири-га Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳамда «Оила маросим-лар маркази» бош-қош бўлди.

Тадбирда намоийш этилган турли эртақ ва куй-қўшиқли сахна манзаралари болажон-ларга шодлик улашди. Янги йил савғасининг тарқатилиши эса уларни янада қушнуд этди.

\*\*\*

Шунингдек, адлия бошқармасида «Ижти-моий ҳимоя йили» яқуни бўйича меҳнат фахрийлари иштироки-да давра суҳбати ўтказилди. Унда йил давомида кам таъмин-ланган оилаларга, меҳнат фахрийларига, ёрдамга муҳтож киши-ларга кўрсатилган эҳтиромнинг аҳамияти хусусида гап борди.

**Аминжон САНАЕВ,**  
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими

● Қинғир иш

## «ҚАЛБАКИ АРОҚЛАР – ПУЛ БЎЛИБ ЯРАҚЛАР»

деган ўйнинг чиппака чиққани хусусида

Хозир қишлоқларда яхши ният билан тўй қилувчилар кўп. Уларнинг аксарияти тўй дастурхонига спиртли ичимликларни қўйишади. Агар ароқи сифатли ва ароқли бўлса-ку, маишу-я, мабодо, қўлбола бўлса-чи? Афуски, мана шу қалбаки ароқлар туфайли қўлбал инсонларнинг соғлиғига зарар етиб, ҳаёти хавф остида қолаётганлиги бор гап.

2007 йил 22 март куни Пастдаргом туманидаги «Туркман» маҳалласида яшовчи 36 ёшли Нигора Бўронованинг хонадонига кириб келган хари-дорнинг қадами унга қимматга тушди. Нигора харидорга 60 дона қалбаки ароқнинг ҳар бирини 1200 сўмдан жами 72 минг сўмга қонунга хилоф равишда пуллаётганда вилоят ички ишлар бошқармаси ва давлат солиқ инспек-цияси ходимларининг тузоғига илинди. Уша куни унинг уйдан 175 дона «Добрая», 40 дона «Зарафшон», 18 дона «Мароканд», 10 дона «Золотой», 8 дона «Рижанская», 7 дона «Барон», 27 дона «Медо-вая», 20 дона «Штоф», 23 дона «Моя столица», 15 дона «Звезда Востока», 4 дона «Ўзбекистон», 4 дона «Караван», 15 дона «Спец Заказ», 10 дона «Князь», 1 дона «Преми-ум», 1 дона «Кедровая», 1 дона «Дастур», 1 дона «Пуговица», 1 дона «Флагмен» русумли қалбаки ароқлар, 3 дона 1,2 литр сифимли пласт-масса идишлардаги жами 3,6 литр спирт, 157 дона АА 1044685 бир хил рақамли акциз маркала-ри, 80 дона махсус қизил рангли пластмасса қолқоқлар, 1 дона қўлбо-ла ясалган қолқоқ ёпиш мосламаси, 1 дона рақамли шланг (тамға), 9710 дона ҳар хил

рангли узун қопқоқлар, 10 блок «Зарафшон» ёзувли ароқ қопқоқлари, 450 дона ҳар хил ёзувли ароқ этикеткалари, 2610 дона сарик рангли темир ароқ қопқоқлари топил-ди. Мўмай даромад ортттириш учун қонунга хилоф равишда иш тутганига боис Нигора Бўронова Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 176-моддаси, 3-қисми, «а» банди ва 186-1-моддаси, 3-қисми, «а» банди билан айбдор, деб топилди. Унга энг кам ойлик иш ҳақининг 350 баравари миқдорига, яъни 4 миллион 347 минг сўм давлат фойдасига жарима жазоси қўлла-нилди.

Элнинг соғлиғи ва ҳаётини ўйлаган ҳар бир инсон бундай қинғир ишларга қўл урмайди. Зеро, бунинг ортида одамлар соғлиғига зарар етказишдек аянчли ҳолат борлигини унутмаслик керак. Ҳар биримиз яхши яшаш учун ҳалол меҳнат қилмо-ғимиз ҳам қарз, ҳар фарз ҳисобланади. Ҳаром лўкма эса бари-бир вужудимизга синг-майди.

**Зафар ТҮЙЧИЕВ,**  
Пастдаргом тумани прокуратураси терговчиси лавозим-ида иш ўрганувчи, Файрат БОБОҚУЛОВ,  
журналист



Навоий вилояти адлия бошқармасига тадбиркорлик субъектлари томонидан вилоят божхона бошқармаси ходимлари хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзилган мурожаатлар оз бўлса-да, учраб турибди.

Навоий шаҳридаги яққа тартибдаги тадбиркор Неймат Холов ўтган йилнинг 26 февралда Корея Республикасидан 2 дона «Тико» русумли автомаши-на сотиб олаётганда, бунчалик саргардон бўлмаган, деб сира ўйламаган эди.

Н.Холов транспорт воситала-рини расмийлаштириш учун белгиланган 8,5 миллион сўм миқдордаги бож тўловларини 19 мартдаги 12-сонли ва 31 март-даги 14-сонли тўлов топшириқ-номалари асосида тўлиқ тўлаб, барча ҳужжатларни 31 март куни вилоят божхона бошқармаси-нинг тўловлар бўлими бошлиғи М.Жабборовга топширган. Бирок божхона ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 мартдаги ПҚ- 612 сонли Қарори-га кўра, 1 апрелдан бошлаб янги бож тўловлари жорий этилиши сабабли «тадбиркор Н. Холов 31 мартда тўлаган бож тўлови божхона бошқар-маси депозит рақамига кечикиб, 2 апрель куни келиб тушган, шунинг учун у яна қўшимча бож тўлови тўлаши лозим», деган ваз билан тадбиркорнинг ҳужжатларини қабул қилмаган.

Шундан сўнг Н. Холов вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркор манфаа-тини кўзлаб қиритилган даъво аризаси вилоят хўжалик суди-нинг 2007 йил 19 июндаги қарори билан қаноатлантири-либ, мазкур енгил автомашина-ларни Корея Республикасидан Ўзбекистон Республикаси худудига олиб келинишида

● Адлия ёрдам берди

## ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕС

ёхуд қонун устуворлигини сўзда эмас, амалда таъминлаш ҳақида

«Тадбиркорлар фаолиятига ноҳолис, тирроқ остидан кир қидириш қайфияти билан қараш-дан бутунлай воз кечиш, аксин-ча, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлаш фурсати етди.»  
Ислом КАРИМОВ



божхона қонунчилиги талаблари-га тўлиқ риоя қилинганлиги, 31 март кунига қадар божхона тўловлари тўлиқ тўланганлиги, божхона декларацияси ҳам 31 март куни расмийлаштирилган-лигини маълум қилиб, божхона ходимларига Божхона кодекси-нинг 93-моддасига кўра, божхо-на органи божхона декларация-сини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмаслигини алоҳида уқтириб, тадбиркорнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилди ҳамда божхона бошқармаси зиммаси-га Божхона кодексининг 76-моддасида кўрсатилган муддат-да машиналарни расмийлашти-риб бериш мажбуриятини юкляди.

Бирок, божхона бошқармаси суднинг бундай ҳал қилув қароридан норози бўлиб, хал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини рад этишни сўраб ёзган шикоятни вилоят хўжалик судининг апелляция судлов хайъати томонидан 9 август куни қайта кўриб чиқил-ди.

Судлов хайъати томонларни, адлия бошқармаси вакилининг вазлари ҳамда прокурор хулоса-

сини эшитиб, апелляция шикоя-тини қаноатлантирмакликни лозим топди ва суднинг 19 июндаги ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдириди.

Бу машааша шу билан тугамади. Божхона бошқармаси-дагилар 31 март куни тўланган божхона тўлови божқарманинг депозит рақамига 2 апрель куни келиб тушганлиги, 31 март шанба куни бўлганлиги сабабли божхона ходимлари учун иш куни ҳисобланмаслиги ҳақидаги вазларни кўрсатиб, республика Олий хўжалик судига мурожаат этишди. Вилоят божхона бош-қармасининг бу галги кассация шикояти 11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг кассация инстанциясида кўриб чиқилди.

Олий хўжалик суди судлов хайъати биринчи ва апелляция инстанциялари судлари томони-дан адолатли ва асосли қарор-лар қабул қилган деган хулосага

● Тақдимнома

## ҒАЙРИҚОНУНИЙ БУЙРУҚ

Ф уқаро Хосият Шодиева болани уч ёшгача парваришлаш учун олган таътил муддати тугагач, ишга чиқишга рухсат сўраб, «Зарафшон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи номига ариза ёзади. Унинг аризаси божқарма кадрлар бўлими бошлиғи Н.Витютина томонидан 2007 йилнинг 2 апрелида қабул қилиб олинади. Н.Витютина аризани рўйхатга олмайди. Ариза муаллифига жавоб хати юбориш ўрнига, аксинча, озсакки тушунтириш бериш билан чекланади. Хуллас, Х.Шодиевага иш беришмайди.

Аслида бундай бўлган. Х.Шодиева таътил пайти-да «Юқори Зарафшон» сув тўғони худудий бўлинмаси «Зарафшон» ирригация тизимлари ҳавза бошқар-масига бириктирилган. Янги тузилган шатлар жадаллида хазиначи вазифаси ҳам қўсқарган. Х.Шодиева билан «Зараф-шон» ирригация тизимла-ри ҳавза бошқармаси раиси ўртасида меҳнат шартномаси иш берувчи томонидан бекор қилин-ган. Бошқарма бошлиғи-нинг ходимлар сони қисқартирилганлиги сабабли Х.Шодиева хазиначи вазифасидан озод этилганлиги тўғриси-даги буйруқ ҳам чиққан. Шатлар қўсқарганли-ги болани парваришлаш учун таътилда бўлган

онанинг ишсиз қолишига изн бермайди. Бундай дейишимизга қонуний асослар бор. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-модда-сида «Бола икки ва уч ёшга тўлгунга қадар парваришлаш учун бериладиган таътил-лар», 237-моддасида «Ҳомилдор ва боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шарт-номасини бекор қилиш-даги кафолатлар» белгилаб қўйилган. Фуқаро Х.Шодиеванинг аризаси юзасидан ўрганиш ўтказган вилоят адлия бошқармаси «Аниқланган қонунбузи-лиш ҳолатларини барта-раф этиш ва келгусида бу каби камчиликларга йўл




қўймаслик тўғрисида» «Зарафшон» ирригация тизимлари ҳавза бошқар-маси бошлиғи номига тақдимнома киритди. Чунки ҳавза бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100, 102, 234 ва 237-моддалари талаб-ларига риоя қилинмаган. Оқибатда Х.Шодиева эгаллаб турган вазифаси-дан ғайриқонуний равиш-да бўшатирилган. Тақдимномадан сўнг Х.Шодиевага аввал ишлаб келган вазифасига тенг иш берилди. Қонун-бузилишига йўл қўйган ходимларга эса ҳавза бошқармаси маъмурияти томонидан интизомий чора қўрилди. **Мамарқани МИНГБОЕВ,** Самарқанд вилояти адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси

## АДОЛАТ ФАНИ

Хуқуқшунослик фанининг заҳматкашларидан бири, таниқли педагог олим ва жамоат арбоби Зоидбек Иномжонов ҳақида "Хуқуқшунослик фанимиз қалдирғочи" номли китоб босмадан чиқди.

Хуқуқ ва давлатшунослик фанининг ривожланишида, мазкур соҳа билан боғлиқ ўқув муассасалари ташкил этишда, хуқуқшунос ходим ва илмий йўналишдаги қатор мутахассислар тарбиялаб етиштиришга улкан ҳисса қўшган Зоидбек Иномжонов ҳақидаги бу китобда унинг босиб ўтган ҳаёт йўли, илмий изланишлари, устозлари, домла билан бир замонда умргузаронлик қилган инсонлар тўғрисида кенг қамровли маълумотлар берилган.



Зоидбек Иномжонов меҳр-оқибатли, камтарин инсон эди. Ярим аср давомидида у талабаларга "Давлат ҳуқуқи" ва "Халқаро ҳуқуқ" фанидан сабоқ бериб, уларнинг илмий ишларига раҳбарлик ва расмий оппонентлик қилиб келди. Шунинг таъкидлаш лозимки, китоб қаҳрамони Ўзбекистондаги юридик олий ўқув юрталари учун "Халқаро ҳуқуқ" фанини олиб кирган биринчи олим ҳисобланади. Бундан ташқари, хуқуқшунослик соҳаси бўйича етук мутахассислар тайёрлашда домланинг хизматлари жуда катта.

Маълумки, мустақиллик йиллари Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ бўйича ўнлаб китоблар, қўлланма ва рисолалар, дарсликлар чоп этилди. Бу китоблар дебочаси, бошланғич намунаси – атоқли олим Зоидбек Иномжоновнинг икки қисмдан иборат "Халқаро ҳуқуқ" қўлланма-дарсликлари бўлиб, улар 1973 ва 1975 йилларда яратилган. Ушбу асарлар ижтимоий-сиёсий, илмий-

маърифий ва тарихий аҳамият касб этиши билан бугун ҳам қимматлидир. Китобдан жой олган академик Ҳожиакбар Раҳмонқулловнинг "Таниқли олим, доно мураббий", ёзувчи Мақсуд Қориевнинг "Бек ака", Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Машқура Сафаеванинг "Хуқуқшунослар сулоласи", Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, республика Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулғбек Абдусаломовнинг "Қалб ардоғидаги мураббий", Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Раиси Бўритош Мустафоевнинг "Ешлик хотирасидан ўчмайди", юридик фанлари доктори, профессор, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидовнинг "Рухи барҳаёт", республика фан арбоби Фафур Абдумажидовнинг "Сарқор" сингари мақола ва эсдаликлари билан танишгач, сиз олимнинг барча ноёб фазилатлари ҳақида кенг мушоҳадага эга бўласиз.

Асар 1000 нусхада, республика Адлия вазирлиги ҳузуридаги "Адолат" нашриёти томонидан чоп этилган. "Ўзбекистон хуқуқшунослари" туркумида нашриёт чоп этаётган асарлар сони яна биттага кўпайдики – бу эса ҳуқуқий меросимиз хазинасини яратган улғў алломаларимиз ҳақидаги билимларимизни ошириш, тасаввуримизни янада бойитиши билан қимматлидир.

**Наим ҒОЙИБОВ,**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

# ДАТ "АСАКА"

## банки жамоаси

ўз акциядорлари,  
мижозлари ва  
барча юртдошларимизни

# Янги — 2008 йил

билан самимий  
қутлайди!

Ушбу қувончли кунларда ҳар  
бир оилага тинчлик-хотиржамлик,  
бахт-саодат, сиҳат-саломатлик,  
омад ва фаровонлик тилайди.


# Дунё нигоҳи

## МУДДАТИДАН АВВАЛ президент сайлови бўлиб ўтди

Грузияда муддатидан олдин ўтказилган президент сайловида рўйхатдаги 3,4 миллион сайловчидан 56 фоизи иштирок этди, дея хабар беради «Новости-Грузия» АА. 800 дан ортик хорижий экспертлар сайлов жараёнларини кузатди.

Президентлик учун 7 нафар номзод кураш олиб борди. Улар орасида яқинда истеъфога чиққан 40 ёшли собиқ президент Михаил Саакашвили ҳам бор.

Республика Сайлов кодексига кўра, сайловда қанча сайловчи иштирок этишидан қатъи назар, у ўтган ҳисобланади. Сайловчиларнинг 50 фоиздан ортик овозини олган номзод эса голиб ҳисобланади. Агар ҳеч ким бу кўрсаткичдаги овозни ололмаса, энг кўп овоз олган икки номзод икки ҳафтадан кейин бўладиган иккинчи тур сайловларига йўлланма олади.



Президент 5 йил муддатга сайланади.

Шунинг таъкидлаш лозимки, президент сайлови Грузия тарихида бешинчи бор ўтказилиши. Кейинги тўрт йилда эса муддатидан олдин иккинчи бор президент сайлови ўтказилди.

Яқшанба кuni кечқурун Марказий сайлов комиссияси раиси Леван Тархнишвили сайловнинг дастлабки натижаларини эълон қилди. М.Саакашвили 52,8 фоиз овоз олиб, иккинчи муддатга қайта сайланди. А.Гачечиладзе учун эса 25,53 фоиз сайловчи овоз берган. Қолганлари 7 фоизга етиб-етмаган овоз олган.

## НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу йил 14 март кuni Эрон парламенти учун сайлов бўлиб ўтиши муносабати билан номзодларни рўйхатга олиш бошланди. Бу жараён 11 январгача давом этади.

Номзодлар учун қўйиладиган талаблар шундан иборатки, уларнинг ёши 30 дан кам, 75 ёшдан катта бўлмаслиги, Эрон фуқароси бўлиши, олий маълумотли, камида 5 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши, судланмаган, ислом қонуни мөъерлари ва Эрон Ислам Республикаси Конституциясини ҳурмат қиладиган шахс бўлиши керак.

Мамлакатда аввалги парламент сайловлари 2004 йили бўлиб ўтган. Асосий ўринни Эроннинг амалдаги президенти Маҳмуд Аҳмадинажот (2005 йил ёзда президентликка сайланган) ҳуқуқмати тарафдорлари эгаллашган.

«Новости» АА хабар беришича, республикада президент сайлови 2009 йил ёзда бўлиб ўтади.

## ЯНВАРЬ ОХИРИГАЧА

тўлов чекланмайди

Маълумки, ўрта ер денгизидаги икки орол — Мальта ва Кипр Европа Иттифоқининг ягона пул бирлиги бўлмиш еврога расмий ўтди. Эндиликда бу икки оролнинг 1,2 миллионлик аҳолиси лира ва фунт ўрнига еврони муомалада қўлламоқда.

— Шунинг таъкидлаш лозимки, — дейилади «AFP» АА хабарида, — январь охиригача евро билан бирга Мальта лираси ва Кипр фунти тенг муомалада бўлади, яъни тўловни лира ёки фунтда амалга ошириш мумкин, қайти-мига эса евро олади. Шунинг учун тўлов нархлари ҳам лирада ёки фунтда, ҳам еврода белгиланган.



Эслатиб ўтамиз: Мальта билан Кипр 2004 йили Чехия, Польша, Венгрия, Словения, Словакия, Литва, Латвия ва Эстония билан бирга Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кирган. Лекин улар орасида фақат Словения (аввалроқ еврога ўтган), Мальта ва Кипргина еврога ўтиш талабларини тўлиқ бажаролди.

Шундай қилиб, евро бугунги кунда Европа Иттифоқига аъзо 27 та давлатдан 15 тасида муомала воситаси сифатида қўлланилмоқда. Улар: Мальта ва Кипрдан ташқари Австрия, Бельгия, Германия, Греция, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Словения, Португалия, Финляндия ва Франция давлатларидир.

Шунингдек, Ватикан, Сан-Марино ва Монако Европа Иттифоқига расмий аъзо бўлмаса-да, лекин «еврозоона»га кирган ва евро зарб этиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, Андорра, Косово ва Черногорияда ҳам евро муомалага киритилганки, улар ҳам Европа Иттифоқига аъзо эмас.

# ҚАДРЛИ АКЦИЯДОРЛАР ВА МИЖОЗЛАР, ҲУРМАТЛИ ҲАМЖОРТЛАР, АТ «Пахта банк» сизни Янги йил билан чин дилдан табриклайди!

Янги йилда Сизга бахт-саодат, соғлиқ ва  
тинчлик-хотиржамлик тилайди!

Ушбу қувончли кунларда «Пахта банк» сизга  
даромадли ва юқори ликвидли банк акцияларини  
харид қилишни таклиф этади!

# Бизнинг акцияларимиз ёрдамида кафолатли ва барқарор келажағимизнинг қонуний эгаси бўлишингиз мумкин!

# «Пахта банк» фаровонлигингиз калитидир!

ОБУНА - 2008



ҚОЙИЛ!!!

Бу йил «Инсон ва қонун» ўқувчилари сафи анча кўпаядиган бўлди. Хисоб-китобларга кўра Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Самарқанд вилоятида 1500 (бир минг беш юз) нусхадан йиллик обуна бўлинди. Хоразм вилояти, Тошкент шаҳри ҳамда Сурхондарё вилоятида ҳам обуна чўғи чаккимас. Тошкент, Фарғона, Сирдарё вилоятидаги ўқувчиларимизга ҳам ташаккур билдирамиз. Энг муҳими, обунани юқори даражага кўтаришда хисса қўшган вилоят мухбирларини қимматбахшо совғалар кутмоқда.

ҚОРБОБО

Ана холос!

«МАРД... ХОТИН!»

Бегам муаллима неварга кўрди. Аммо «суюнчи пулига» ўзи борди: келинига, «бу турнингда у ердагилар сени тириклайин ямламай ютиб юборади. Улар билан қандай гаплашишни мен билман», деди.

Бегам муаллима тақдим этган ҳужжатларни кўздан кечирган йигитча «Олти минг тўрт юз сўм бўлади», деди. — Илгари сал кўпроқ эдику? — деди Бегам муаллима. — Йўқ, Суюнчи пули эмас, ҳозир бизга тўлайдиган пулингиз олти минг тўрт юз бўлади, деяпман. — Мен суюнчи пули шунчагина бўлиб қолипти, деб ўйлабман.

— Суюнчи пули ҳозир ўттиз икки минг бўлган. Шу... ўттиз икки мингни олиш учун олти минг тўрт юз тўлашингиз керак. — Қаерга тўлашни керак? — Бизга бераверасиз. Сўнг биз бу қоғозларнинг у ёқ-бу ёғини тўғрилаймиз. — Ўзи тўғри эмасми? — Бу ерда биз қўлагидан иш ҳам бор-да. Ўттиз икки мингни тўғридан-тўғри чиқариб бўлмайди. — Бўлмаса бундай қиламиз, — деди Бегам муаллима. — Ўша ўттиз икки минг қўлимга теккан кун олти минг тўрт юз ҳам бўлади. — Бизда тартиб бундай эмас-да. — Ука, шу сафар менинг айтганимни қилинг. Бошқалардан ҳам сўранг, мен мард хотинман. Бировга ваъда бердимми, бажараман. Ходим бундай мард хотинни биринчи кўриши эди, шунинг учун гапига ишонди ва икки ойлардан сўнг хабарлашинг, деди. — Албатта, яна ўзим келаман, — деди... мард хотин.

Ўз мухбиримиз

Қишлоқ дастлабки кунлари илик кечса-да, 9 декабрга ўтар кечаси оёз бошланди. Қаҳратон қаҳрга олгандек изиллаб, борлиқни ютудек бўларди. Томорқада чала қолган юмушлар билан куймаганим кунни ўтказган Саксонота қишлоғи ахли иссиқ уйларида маст уйқуга кетган. Фақат икки киши бу тунни бедор ўтказмоқда эди.

— Бўлди, тинчиди, — деди уйдан чиққан эркак. — Мен ичкарига кирмайман, кўркаман, — деди ховлида турган аёл қўлидаги сигарет қолдиргани четга улоқтираркан. У совуқдамини ёки кўркүвданми дав-даг қалтирарди. — Пулни олдингми? Эркак қотиликка сабабчи - оқ қоғозга ўралган нарсани унга узатди. Бир тахлам пул аёлнинг жисмини иситиб, унга кун бағишлагандек бўлди. Кўркүвни унутди. Эркакнинг ортидан уйга кетди. Бетариби тўзган хона ўртасида ётган жасадан сесканмади... Алишернинг турмуш ўртоғи беватқ оламдан ўтиб, 3 фарзанди онаси қолган, турмушдан фэйз, рўзгоридан барака уна бошлади. Шундай кунларнинг бирини қўшни маҳаллада яшовчи Матлуба кўзига оловдек кўриниб кетди. Тўғри, ёш-яланг ўртасида бу келишган қизнинг оёқ олдори ҳақида ҳар хил гап-сўзлар юрарди. Оила қуришга, дастлабки йиллари тинч-тову яшашди. Тўрт қиз дунёга келди. Лекин ўрганган кўнгил ўртанса кўймас деганларидек, Матлуба боши оқиб қайтганда хушторлари билан ўтказган базм-жамшидларни тез-тез кўйсаб турарди. Эрининг ҳар бир босган қадамини тергайвериши, айниқса, охириги кунларда бераётган пулингиз чўғи пайсаягани ҳам бир бўлди-ю, Матлубанинг сабр-қосасини тўлдирди. — Ортиқ бир кун ҳам у билан яшай олмаман, — деди ота уйига келиб, — тошган пуллари ўзининг болалари-

дан ортмайди. Ҳали уларни уйли-жойли қилиш керак. Мен қачон рўшнолик қўраман. — Эринг ҳали ҳам Қозғистонга мевача олиб бораётганими? — деб сўради укаси. — Ҳозир ўғли билан қатнайдми. Яна «Газел» русумли машина сотиб олишмоқчи. — Демак, пуллари қўпайиб қолибди-да?

Надомат

лиги ташвишга солар, шу сабабли солиқ хотинининг уйига бориб, қизларидан тез-тез хабар оларди. — Янги машина учун етарли пул тўпладим, — деди наватбадга ташрифида. — Эндиги толганим қизларимники. Сизларга уй олиб бериш учун ҳаракат қиламан. Матлуба собиқ эрининг бу ништан дин севинмади. Аксинча, ҳасад ўти ичини ёндирди.



ШАЙТОНГА БЎЙСУНГАН КИМСАЛАР

Носирхўжа опасининг охириги сўзларини ҳам эшитмай, нималариндир режалаштирганича ўйлаиб қолди. Болалиқдан ўзи хон, сояси майдон бўлиб ўсган Матлуба қизлари билан ичкарага уй олиб, ўзи истаганга яшай бошлади. Алишер қизларини ҳеч нарсага зориктирмай, озик-овқат, кийим-кечак билан таъминлаб турди. Уни фақат бир нарса — қизларининг маънавий тақдирини, улар ҳам онаси юрган йўлдан боришлари мумкин...

— Олдин олинг, кейин мактанга, тошганнингиз ўғилларингиздан ортмайди-ю... Алишер мактанганнамо қўйишдан бир боғлам пул чиқариб унга кўрсатди: — Мана роппа-роса 10000 АҚШ доллари, бу пулга «Газел» русумли машина сотиб олиш мумкин. Матлуба дарров «мехрибон хотин» қиёфасига кирди. Собиқ эридан гина-қудурат қилгандек бўлди. Унинг ичкиликка суяги йўқлигини яши билгани учун «Гаяла опанинг ароғидан

деқ амалга ошди. Носирхўжа соат 23 ларда опасининг уйига келганда, Алишернинг қайди ошиб қолган эди. Унинг қабуват буй-бастини зимдан кўздан кечирган Носирхўжа, собиқ почаси билан ўтириб яна 2 шиша ароқни бештади. Унинг ўзини бошқаролмайдиган даражада маст бўлиб қолганига ишонч ҳосил қилган, опаси ишора қилди. Қўлидаги чилвир билан Алишернинг буйини бўга бошқариб қўйди. Матлуба аёллигига бордими ёки бошқа сабабми, ташқарига чи-

қиб кетди. Кўздаги юлдузлар бирин-кетин сўна бошлаганда, Носирхўжа тўлғани оқаятдан Кўлтурганой бўйида чуқур қолади. Қишлоқ томонидан муазимнинг азон товуши эшитилган, уйига қайтиб борди-да, собиқ почаси ичишга улгуролмаган ярим шиша ароқни ичиб, уйқуга кетди...

— Битта-яримтаининг кўзи тушмасидан бу ердан тезроқ кетайлик, — деди Матлуба бурнини бекитиб. Чала ёнган мурдани олдиндан тайёрлаб қўйилган чуқурга наридан-бери, шовиб қўйиб юборишди. Мўмайгина ўлжадан мўмайгина улусини олган Носирхўжа Россиянинг Новокузнецк шаҳрига жўнаб кетди. Матлуба эса фарзандлари отасининг қонини тўкиб тошган пулига уй сотиб олиб, хотиржам яшай бошлади.

Аммо қор ёғиб, из йўқолади, деб ўйлаган ота-укалар чўварани хом санашган эди. Ҳуққуни муҳофаза қилувчи олдидан ҳодимлари келтирган далиллар олдида разолатга ботган кимсалар қилмишларига иқдор бўлишди. — Кеңиринглр, билмай қолдик. Шайтон йўлдан озадирди, — дейишди улар бир овоздан суд залида. Қилмиш — қидирмиш, деганларидек, шайтонга қўл берган кимсалар жиноятлари яраша узоқ йиллик муддатта озодликдан маҳрум этилишди.

бита ҳам саркарда йўқки, ўз ҳарбий санъатини инсон тафаккури хазинаси эвазига юксалтирмаган бўлсин. Биз буюк саркарда Исқандар Макдунийнинг галабалари асосида, албатта, Арастуни кўра-миз...

Чакмоқтош

АРАСТУ (АРИСТОТЕЛЬ) (Милоддан аввалги 384-322 йиллар)



бир одам табиатни англашимиз учун озгина бўлса-да, ўз хиссасини қўшади, ушбу хиссалар йигиндиси натижасида эса улғувор манзара пайдо бўлади»

денти генерал Шарл де Голл (1890-1970) Арасту ҳақида шундай фикр билдирганди: «Чуқур фикрлар, энгил тахлил ва ишончли мулоҳазалардан холи бўлган ҳар қандай касбга доир илм беҳуда ҳийла-найрангга айланади. Оз бўлса-да, ушбу сифатларни ўзида жо этган, аммо уларни тарбиялай олмаган, шунингдек, улардан фақат ҳарбий соҳада фойдаланганлар янглишадилар. Ақл муайян касб маҳоратидан топиб бўлмайдиган хилма-хилликни талаб этади. Умумий маданият ҳақиқий бошқарув мактабидир. Оламда

Инсон фалсафа билан шуғулланиши керакми? Бу саволга шуғулланиши керак ва ёки керак эмас, деб жавоб қайтариш мумкин. Агар «инсон фалсафа билан шуғулланиши лозим» дейилса, ҳаммаси тушунарли. Ҳеч қандай савол туғилмаслиги табиий. Борди-ю, одамлар «фалсафа билан машғул бўлмасликлари даркор» деб жавоб қайтаришга бўлса, буни исботлаш учун ҳам (яъни машғул бўлмаслиги даркорлигини) фалсафий фикрлашга тўғри келади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, инсон ҳар қандай вазиятда фалсафа билан шуғулланмоғи керак.

Саида ЖҲРАЕВА тайёрлади

Қилмиш УДДАБУРОН ТАЪМИНОТЧИ

Даврон «Ойдин» фермер хўжалигига таъминотчи кераклигини билиб, «шу иш менбоп экан», дея хўжалигини фермер хўжалиги раҳбари Ш.Юнусовга кўрсатади. Ўртамаҳсул муълумотли, эпчилгина йигит раҳбарга маъқул келиб, дарҳол ишга қабул қилинади.

Даврон тез орада Ш.Юнусовнинг ишончига кириб олди. Унинг зиммасига хўжалик эҳтиёжлари учун зарурий маҳсулотлар таъминоти ва брокер орқали хомашё бижрасида қатнашиб, кунжара ва чорва озуқасини сотиб олиш, ишончнома асосида олинган маҳсулотларни тўлалигича олиб келиш ва топириши, олинган маҳсулотларнинг хисоб-китобини юритиш ва ҳисоботини тайёрлаб, хисобчига топириш каби вазифалар юкланади. У бир йил мобайнида бу ишларни рисоладагидек бажаради. Бироқ кейинчалик нафс кўрғур уни йўлдан урди. Кунларнинг бири-да сўнг савдосида 10 тонна кунжара сотиб олиш ҳуқуқини қўлга киритади. Фермер хўжалиги раҳбари бу маҳсулотларни олиш учун «Асака ёрмоғи» хиссадорлик жамиятига пул ўтказган, Даврон қўлида ишончнома билан йўлга тушди. У ерда тўртқўллик Умидхон Мирзаев билан танишиб қолди. — Ака, арзорроқ кунжара керак эди.

— Пулингиз нақдми? — Мана, ёнимда. — Унда кунжара мумаммо эмас. Менинг кунжара сотадиган шохобчам бор. Кечаги биржадан ютиб олган кунжараларимни олиб чиқмоқчи бўлиб турганим. Майли, бир сафар сизнинг ҳам хожатингизни чиқарсам-чиқарибман-да. — Хўжатлари жойидами? — Қизиқ экансиз, хўжат бўлмаса, бу ердан кунжарани қандай оламани?! Шундан сўнг Умид ҳам унинг гапига ишониб, ҳар килограмминини 200 сўмдан сотиб оладиган бўлди. Даврон ичкарига кириб, аввалдан гаплашиб қўйган ҳайдовчининг номига ишонч қозғонини расмийлаштириди. Барча хўжат ишлари тугагач, машинада кунжарани олиб чиқди. Умид келишилган пулни бергандан сўнг, ҳайдовчига: — Юкни шу йигит айтган жойга олиб борасиз. Қира ҳақини ҳам шу йигит беради, — деди. Умид маҳсулотнинг хўжатларини сўрагани, Даврон бир муддат ўйлаиб тургач: — Хўжатлар ичкарида қолади, — дея жавоб берди. Даврон эса қўлида пул билан Балқичига қайтди. Унинг юксиз келганини кўрган раҳбар:



— Кунжара қани? — дея сўради. У бепаровгина: — Бугун маҳсулот чиқарилмади. Эртага борарман, — деди. Лекин афсуски, орадан бир кун ўтган, унинг ёлғони ҳуқуқи муҳофаза қилувчи идора ҳодимлари келганидан сўнг фош бўлди. Уддабурон таъминотчи эса боши эзилганча қолди. Қайд этиш жоизки, тергов даврида Даврон Фаниев сотиб юборган кунжара эгасига қайтарилди. У.Мирзаевага етказилган моддий зарар ҳам жавобгар томонидан тўлиқ қоплатди. Лекин бу уни жазодан овоз элта олмади, қилмишига яраша жазосини олди.

Зафарбек ҒУЛОМЖОНОВ, Андижон вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори, Шухратбек МУСАЕВ, «Инсон ва қонун» мухбири

Илохий муҳаббат ОШИҚ УСТА ВА МАЛИКА



Муҳаббат недир? Давосиз дарди... қалбларни зор қақшатган ҳижрон оловида куйдириб, висол ишиқда сўлдирган туйғуми бу? Тангрининг инсонларга иноятими ёки бир синов? Бу савдога йўлиққан киши ундан осонликча қутулиши қийин. Ҳар не бўлганда ҳам муҳаббат масъулият ва жавобгарликка садоқат ва ишончга таянадиган бир туйғу.

Туркистонда Хожа Аҳмад Яссавийнинг гаройиб макбараси бор. Бу макбара Амир Темурнинг фармонида биноан бунёд этилган. Унинг зангор гўмбазни кўиб нурлариди ўзгача жилваланиб туради. Аммо унда кўзга ташланмайдиган бир камчилик бор: мейморий уйғунлик охирига етказилмаган, умумий маҳмулга ёпишмайроқ қолган. Бунинг эса ўзига хос сабаблари, яъни бир севиғи тақдир мавжуд.

Буюк саркарда Амир Темур улуг Хожа Аҳмад Яссавийга хурмат бажо келтириш учун бетимсол макбара барпо этишга қарор қилади. Бунинг учун оламдан энг қўли гул усталарни, нақшошу дурддорларни йиғилади. Буни қарангли, ганжкорларнинг етказиши, ёшгина бир йигит уларнинг орасида ажралиб туради. У оддий лойга ҳам жон киритиб юборадиган даражада моҳир уста бўлиб, жуда келишган ҳам эди. Аллоҳ бу устани бирор-бир томондан қисмаган, ҳатто ширали овоз бериб, ҳофиз даражасига кўтарганди.

Ҳар оқшом, усталар ишларига яқун ясаганларидан сўнг йигит қад кўтараятган макбара девори устига чиқиб, қўшиқ айтишни бошлаб экан. Унинг мўъжизакор овози узоқ-узоқларга таралар, уни одамлардан тортиб сайроқи кўшларга ҳам маст бўлиб тингашларди. Йигит қўшиқ бошлаган заҳоти Темур қароргоҳидаги шох уловнинг гулдор эшиги очилиб, гўзал бир малак Марзия кўри эди. У ҳар гап қўшиқни тик турганча кимир этмасдан тингашни оқиб қилганди. Марзия ҳар кун туш маҳал қурувчиларга сув келтириб беради эди. Уста ва моҳир қўшиқчи йигит Марзиянинг гўзал қомаги, латиф ҳаракатларига маҳабб бўлиб, уни пинҳона севиб қолади. Энди у ҳар кун қизни кутар, қўшиқлари тобора кўянган кўнгил изтиробларини ошқор эта бошлаганди. Марзия ҳам қалбида жўш урган муҳаббат олови тобора аланга олаётганини хис қиларди.

Кунларнинг бирида Марзия устара бир пиёла сув узатаётганида йигит беҳиштиёр қиз

ЭЪЛОН! Тошкент вилояти адлия бошқармаси Олмалик шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси; Бухоро вилояти адлия бошқармаси Ромитан туман давлат нотариал идораси нотариуси лавозимларига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Иzzат АХМЕДОВ тайёрлади

Таълиқда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия эвазига бугун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролари иштирок этишлари мумкин. Таълиқда иштирок этиш учун қуйидаги хўжатлар тақдим этилиши лозим:

- 1. Комиссия номига арiza;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шахсда тўлдирилган мўҳлат таълиқ билан таълиқ шартлари;
4. Мўҳлат дафтрасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқлини тақдим этиш мумкин.

Таълиқда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси телефонлари: (8371) 280-51-03, 253-84-30

Бухоро вилоят адлия бошқармаси телефонлари: (8365) 223-21-20, 223-53-65

ЭЪЛОН! Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги нотариат бўйича «Малака» комиссиясининг 2007 йил 27 ноябрь кунги қарори билан 1997 йил 29 август кунги Ризаев Айдош Камилевич номига берилган КР 000233-рақамли нотариал фаолият ҳуқуқини берувчи лицензия бекор қилинади.

Фаргона вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2007 йил 25 декабрдаги қарорига асосан Фарғона шаҳрида ҳусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуси Сапаев Нуруллога 1997 йил 22 сентябрь кунги берилган ФЕ 000046 рақамли лицензиянинг амал қилиши 3 (уч) ой муддатга тўхтатилди.

Адлия вазирлиги жамоаси вазирлик ҳузуриди «Адолат» нашриёти бош муҳаррири Абдурауф Сувоновга отаси Қаршибой СУВОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Шартномавий ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бошлиғи Зафар Олимовга укаси Фаррух ХАМЗАЕВнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ИНСОН ВА ҚОНУН. МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ Вазирлиги. 1996 йилнинг январидан нашр этилади. Бош муҳаррир: Кўчқор НОРҚОБИЛ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович, Мустафоев Бўришор Мустафоевич, Ражабова Манжула Абдуллаевна, Махмудов Лазизжон Мирзаевич, Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич, Маматов Шоди Сулонович, Матрасулов Давлатназар Раҳимбергенович, Саидов Шокир Камолович, Ҳамроев Ислам Ҳамзаевич. Навбатчи: Аслидун СҮЮНОВ. Сахифаловчи-дизайнер: Фарход ХҲҲАНАЗАРОВ. Индекс: 646882. «ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси тахририяти компьютер базасида териди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳақида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқхонасида босилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Ғ-16. Тиражи — 12988. [ ] — тижорат мақола. Босишга топириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00. МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Саййилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-84-50, Факс: 133-95-31. 1 2 3 4 5 6 7 8